
Нохуш хабар: ёнғин сабабли Қаровултепада бир оила оғир аҳволда қолди

Бугун, 20 август куни Бағдод туманининг “Қаровултепа” маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги “Боғу бўстон” кўчасининг 81-рақамли уйда ёнғин содир бўлди. Оқибатда, фуқаро Маҳмуджон Миргадоевга тегишли ҳовли-жой бино-иношоотларининг (хўжалик уйининг том қисми, молхонанинг ички ва том қисмлари)100 метр/квадрат майдониға жиддий талафот етган.

Туман фавқулодда вазиятлар бўлимиға соат 12:54 да юқоридаги ҳолат бўйича мурожаат келиб тушган. 10-ёнғин-қутқарув қисми ёнғин ўчирувчилари 13:11 да воқеа жойиға етиб бориб, 13:25 да ёнғин тўлиқ ўчирилишиға эришилган ва 3 та яшаш хонаси, хўжалик уйининг айвони ҳамда ошхона биноти ёнғиндан сақлаб қолинган.

Ҳозирда ёнғин келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.
2022-08-20 21:00:19